

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

Ижтимоий маданий фаолият

кафедраси ўқитувчиси

Гафаров Абдуллонинг

**“И.А. Каримов асарларида адолат ва ҳақиқат
ғояларининг ифодаланиши” мавзусидаги**

РЕФЕРАТИ



Наманган -2010

Наманган давлат университети Тарих факультети
Ижтимоий маданий фаолият кафедраси ўқитувчиси
А.Гафаровнинг “И.А.Каримов асарларида адолат ва ҳақиқат
ғояларининг ифодаланиши” мавзусидаги рефератига

Т А Қ Р И З

Мазкур реферат талабаларнинг И. Каримов асарларида адолат ва ҳақиқат ғояларини ифодаланиши ва унинг миллий менталитетга ҳос хусусиятлари тўғрисида маълумот беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Рефератда ижтимоий жараёнларда адолат ва ҳақиқат масалаларини ҳал этишда И.Каримов асарларидан фойдаланишни назарда тутди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий демократик ва фуқаролик жамияти қуришда ҳам адолат ва ҳақиқат ғояларининг ўрни, Ўзбекистонда ижтимоий маданий ҳаёт билан бир қаторда қонун ижодкорлиги жараёнида ҳам адолат ва ҳақиқат масалаларининг аҳамияти тўғрисида талабаларга атрофлича маълумот беради.

Мазкур реферат барча талабларга жавоб беради.

Миллий истиқлол ғояси ва
маънавият асослари кафедраси
муdiri, ф.ф.н. :

О. Маматов

Наманган давлат университети Тарих факультети
Ижтимоий маданий фаолият кафедраси ўқитувчиси
А.Гафаровнинг “И.А.Каримов асарларида адолат ва ҳақиқат
ғояларининг ифодаланиши” мавзусидаги рефератига

Т А Қ Р И З

Наманган давлат университети ижтимоий маданий фаолият кафедраси ўқитувчиси А. Гафаров томонидан тайёрланган “И. А. Каримов асарларида адолат ва ҳақиқат ғояларини ифодаланиши” мавзусидаги рефератида ўзбек халқининг азалий қадриятларининг ажралмас қисми бўлган ҳақиқат ва адолат ғоялари ҳақида фикр юритиб, Ўзбекистон Республикаси Президент асарларида ҳақиқат ва адолат ғоялари мужассам ва муфассал тарзда баён этилганини аниқ мисоллар билан кўрсатиб беради.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий демократик ва фуқоролик жамияти қуришда адолат ҳаётнинг бош мезони бўлиши кераклигига алоҳида эътибор қаратади. Ўйлайманки реферат талабаларда адолат ва ҳақиқат ғояларини шаклланишига хизмат қилади.

Мазкур реферат олий таълим талабларига мувофиқ яратилган.

Наманган шаҳар 13-умумий ўрта

таълим мактаби директори:

М. Азизова

И. А. КАРИМОВ АСАРЛАРИДА АДОЛАТ ВА ҲАҚИҚАТ ҒОЯЛАРИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

РЕЖА

КИРИШ

1. АДОЛАТ - ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА
2. ҚОНУН ВА АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИНИНГ ХАЁТБАХШ МАНБАИ
3. ЎЗБЕКИСТОН – ДЕМОКРАТИЯ ВА ИЖТИМОЙ АДОЛАТ
ЖАМИЯТИ

ХУЛОСА

КИРИШ

Адолат ижтимоий фалсафий ахлоқий ва ҳуқуқий тушунча. Кишилар ижтимоий сиёсий онгида катта рол ўйнайди. Муайян ижтимоий гуруҳлар ва айрим шахсларнинг ўзида акс эттиради. Сиёсий ҳатти ҳаракатлар ҳуқуқ ва бурч меъёрлари, ахлоқий муносабатлар, меҳнат тақдирлаш жиноят ва жазо, хизмат ва уни тан олиш, кадр қимматни эътироф қилиш мазкур тушунча орқали баҳо берилади.

Адолат тушунчаси муайян тарихий шарт шароитлар ва ижтимоий иқтисодий муносабатлар билан белгиланади. Адолатнинг ижтимоий фалсафий жихати жамият аъзоларининг ҳилма ҳил муносабатларидаги ўзаро тенгликни назарда тутди. Ахлоқий жихати инсонлар аро муомалада бир ҳил муносабатда бўлишни бир бирини иззат нафсига тегмасликни ахлоқ одоб қоидаларига амал қилишни билдириди. Адолатнинг ҳуқуқий томони қонунларга риоя этишни сиёсий томони эса давлатни адолат қоидалари асосида бошқаришни англатади. Ривожланган жамиятда адолат кишиларни демократик қонунлар асосида иш юритишни тақазо этади. Унда ҳар бир одам ўз меҳнати тадбиркорлиги ақл заковати туфайли топган мол- мулки ҳисобига яшайди. Давлат ўз фаолиятида фуқаролар томонидан адолат қоидалари ва қонунларига амал қилишни назароат этади. Жамият аъзоларини мол- мулки дахлсизлиги ва қонун олдида тенглигини таъминлайди.

АДОЛАТ - ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА

Ўтган ўн йиллик яқин тарихимизни сарҳисоб қилиш, барча соҳаларда эришган улкан ютуқларимизни таърифлаш, шу жумладан, камчиликларимизни ҳам ҳолисона баҳолаш, бир сўз билан айтганда, шу давр мобайнида амалга оширган ишларимиз ҳақида ҳисобот бериш, уларнинг барчасини бир маърузада акс эттириш жуда мураккаб ва қийин вазифа эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Лекин мен бугун мана шу юксак минбардан туриб, сиз, мухтарам халқ вакиллариининг очик чехрангизга қараб, сиз орқали бутун халқимизга бир ҳақиқатни айтишни истардим¹.

Мамлакатимиз сарҳадларининг дахлсизлиги ва суверенитетини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида тезкор, замонавий, қудратли Қуролли Кучларимизни ташкил этганимиз ўз вақтида чуқур ўйлаб қилинган ишимизнинг тасдиғи бўлди, десак хато бўлмайди.

Миллий қадриятлар, эзгу анъаналар, тилимиз, муқаддас динимизнинг ҳаётдаги ўрни қайта тиклангани ҳам жамиятимиз қиёфасини ўзгартиришда, маънавиятимизни, одамларимизнинг онгу тафаккурини юксалтиришда ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Энг муҳими, кўпмиллатли Ватанимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувлик муҳити - бизнинг беқиёс бойлигимиз эканини юртимизда яшаётган ҳар бир миллат ва элат вакили ўзининг кундалик ҳаётида ҳис этиб турибди.

Бугун миллий истиқлол ғоясини ўзида тўлиқ мужассам этадиган юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги каби олижаноб мақсадлар атрофида сиёсий ва ижтимоий кучлар жипслашаётгани, элимизнинг иродаси, салоҳияти ва куч-қудрати сафарбар этилаётгани - буларнинг барчаси ҳаммамизни қувонтиради ва келажакка бўлган ишончимизни мустаҳкамлайди.

Бир сўз билан айтганда, биз танлаган тараққиёт модели, бозор иқтисодиётига таянган очик демократик давлат қуриш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантирадиган янги ҳаёт барпо этиш ҳаракатларимизнинг, бир томондан - кўп асрлик тарих, буюк маданият, юксак миллий анъаналар, муқаддас қадриятларга, иккинчи томондан эса - жаҳон халқларининг энг

¹ Каримов И.А. Хавфсиз ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-том. Т. “Ўзбекистон”. 2002. –Б. 26

илғор ютуқларини ўзида мужассам этган тажрибага асосланган йўлимизнинг тўғри эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.²

Суд бугунги кунда аввалгидек ҳукмрон коммунистик тизимнинг қатағон ва жазолаш аппарати эмас, балки у ҳар бир инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли тарзда қўриқлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган чинакам мустақил давлат институтига айланмоқда. Фуқароларнинг судга ишончи мустаҳкамланиб бормоқда.

Юртимизда бу соҳада бўлаётган ижобий ўзгаришлар босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар натижасидир.

Ислохотларнинг мана шу босқичида суд иш юритишининг, том маънодаги мустақил ва фақат қонун олдида жавоб берувчи суд тизимининг қонуний асослари яратилди. "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги, "Адвокатура тўғрисида"ги, "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонунлар, фуқаролар, юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишни кучайтиришга, суд тизимини демократлаштиришга қаратилган бошқа қонунлар қабул қилинди.

Жаҳон тажрибасини ҳисобга олиб, биринчи марта мамлакатимизда Конституциявий суд таъсис этилди. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитидаги ҳўжалик муносабатларида қонунчиликни таъминлашда муҳим роль ўйнаётган ҳўжалик судлари тизими яратилди.

2000 йилда янги таҳрирдаги "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши суд тизимини ислоҳ қилишда муҳим босқич бўлди. Унда мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида орттирилган тажрибадан хулоса чиқарилди ҳамда судлар фаолиятининг янада демократлашуви ва такомиллашуви учун шароит вужудга келтирилди.

"Судлар тўғрисида"ги янги Қонуннинг моҳияти нимадан иборат?

² Каримов И.А. Хавфсиз ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-том. Т. "Ўзбекистон". 2002. –Б.28

Биринчи ва энг асосийси - давлат ҳокимиятининг бўлинишига оид конституциявий тамойилдан келиб чиқиб, ҳокимиятнинг тўлақонли мустақил тармоғи бўлган суднинг мустақиллигини таъминлашнинг мустаҳкам механизми яратилди.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги асосий ҳужжат ҳисобланган "Судлар тўғрисида"ги янги Қонунга мувофиқ, жиноий-процессуал ва фуқаролик-процессуал қонунчилигига ўзгартиришлар киритилди.

Ишларни кўриб чиқишнинг апелляция тартиби жорий қилинди. Бу суд хатоларини ўз вақтида тузатиш, суд иш юритишида сансалорликка йўл қўйилмаслигининг муҳим кафолати бўлди.

Янги қонунга мувофиқ, апелляция инстанцияси суди ишни қайта кўриб чиқиш учун судга юбормасдан, ўзи мазмунан кўриб чиқишга ҳақли.

Ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини юқори судлардаги кассация инстанцияларида кўриб чиқиш тартиби ҳам ислоҳ қилинди. Фуқаролар қонуний кучга кирган суд қароридан норози бўлган тақдирда ўз ҳуқуқларини кассация инстанцияси судининг мажлисида ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлдилар. Бунда ҳимоя билан айблов ҳуқуқий жиҳатдан тенглаштирилди³.

Фуқароларга суд қарорлари устидан апелляция ёки кассация тартибида шикоят бериш йўли билан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули, танлаш имконияти берилди.

Суд тизими билан бир қаторда жамиятда қонунийликни ва ҳуқуқ-тартиботни таъминловчи Ички ишлар вазирлиги, Прокуратура, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида ҳам чуқур ислоҳотлар рўй бермоқда.

Шубҳасиз, ҳаётимиздаги барча тармоқ ва жараёнларда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар қаторида ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида ҳам жорий қилинаётган ислоҳотлар ўзининг самараси ва натижасини бера бошлади.

³ Каримов И.А. Хавфсиз ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-том. Т. "Ўзбекистон". 2002. –Б.30.

Энг муҳими, бу ислохотлар ижтимоий ҳаёт ва давлат қурилишининг демократик ўзгаришлар йўлида босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлади.

Лекин, шу билан бирга, шуни таъкидлашимиз зарурки, ижтимоий тараққиёт одимлари, жамиятимизда рўй бераётган, узоқни кўзлаб амалга оширилаётган демократик жараёнлар суд-ҳуқуқ тизимига жорий қилинаётган ислохотларни танқидий баҳолаб, уларни янада чуқурлаштиришни ва катъиятлик билан олиб боришни талаб этмоқда.

Шуни очиқ-ойдин тан олиш лозимки, бу соҳада эришилган ижобий натижаларга қарамай, суд-ҳуқуқ соҳасида ҳамон совет тизимининг асоратлари сезилмоқда. Аниқроқ айтганда, суд фаолиятига доир қабул қилинган қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар умумэътироф этилган халқаро демократик меъёрларга борган сари мослаштирилаётган бўлса-да, афсуски, судьялар, прокуратура ва тергов органлари ходимлари, бир сўз билан айтганда, қабул қилинган янги қонунларни ҳаётга татбиқ этиши лозим бўлган кишиларнинг дунёқараши ва тафаккури анча қийинчилик билан ўзгарапти.

Буни очиқ тан олиш керак. Бизнинг бош вазифамиз - ўтмиш асоратларидан имкони борича тезроқ қутулишдир.

Энг аввало, жазолашнинг репрессив, озодликдан маҳрум қилиш ҳолларини қисқартириш ҳисобига қонунчиликнинг адолат ва инсонийлик қаби тамойилларининг кучайишини ва амалда қўлланишини таъминлашимиз зарур.

Маълумки, совет қонунчилигида иқтисодий жиноятларда ҳимоя қилинадиган асосий субъект бўлиб давлат субъекти ҳисобланган. Шунинг учун ҳам давлатга зарар етказиш ҳолларига ўта оғир жиноят сифатида қаралган ва бунга йўл қўйган шахслар ўта шафқатсизлик билан жазоланар эди. Хусусан, жуда катта миқдорда давлат мулкани ўғирлаган ёки пора олган жиноятчи шўро даврида амалда бўлган қонунчиликка мувофиқ ўлим жазосига ҳукм қилинар эди.

Мисол учун, 1986 йилда СССР Олий суди Ўзбекистоннинг собиқ пахта тозалаш саноати вазири Ваҳобжон Усмоновни ноқонуний тергов усуллари қўллаб олинган сохта гувоҳликлар асосида катта миқдорда пора олганликда айблаб, ўлим жазосига ҳукм қилган эди. Суд ҳукми ижро этилиб, орадан 12 йил ўтгач, 1998 йилда В.Усмонов батамом оқланди, жиноий иш эса унинг хатти-ҳаракатларида жиноят таркиби йўқлиги сабабли ҳаракатдан қолдирилди.

Бугун бизнинг ҳуқуқий доктринамиз мутлақо янгича, демократик тамойилларга асосланган. У, энг аввало, Ўзбекистон Конституцияси талабларига кўра, инсон ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлайди. Инсон ҳимоянинг бош субъекти бўлиб, унинг ҳаёти ва соғлиғига суиқасд қилиш оғир жиноят ҳисобланади.

Лекин шуни афсусланиб тан олишимиз керакки, ҳали-бери қонунчилигимизда ҳам, қонунни қўллаш фаолиятимизда ҳам ўтмиш замоннинг иллатларидан ҳамон қутила олмаяпмиз. Суд-тергов тажрибасида баъзан умуман тоқат қилиб бўлмайдиган мантиқсизликларга йўл қўйилмоқда.

Жамият учун унчалик хавфли бўлмаган қонунбузарликни содир этган шахс судларимиз томонидан амалдаги қонунларимизга кўра, беш йил ёки ундан ҳам кўп муддатларга озодликдан маҳрум этилади.

Бундай ҳолларда қонунни бузган одамдан уни такрорламаслик ҳақида тилхат олиш, гаров каби бошқа эҳтиёт чораларини, жарима каби жазоларни қўллаш ўзини оқлашини унутмаслик керак. Афсуски, юқоридаги ҳар бир ҳолатда тергов органлари энг оғир эҳтиёт чораларини қўллаган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин⁴.

Шу йилнинг июн ойида менинг топшириғим бўйича тергов ҳибсхоналарида ўтказилган текширув натижасида кўплаб ана шундай фактлар аниқланди. Жамият учун хавфли бўлмаган жиноятларни содир этган, илгари судланмаган ва ҳатто етказилган моддий зарарни тўла қоплаган

⁴ Каримов И.А. Хавфсиз ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-том. Т. “Ўзбекистон”. 2002. –Б. 31.

шахслар қачон суд мажлиси бўлишини кутиб, ойлаб ҳибсда сақланган. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида бир ой ичида тергов ҳибсхоналаридан икки минг нафардан зиёд ана шундай шахслар озод қилинди.

Бундай ҳолатларнинг ҳар бири ортида тирик жон, бизнинг ватандошимиз, унинг алам-изтиробларини бирга тортаётган ўғил-қизлари, оиласи, қариндош-уруғлари борлигини, минг афсуски, унутамиз.

Буни қандай изоҳлаш мумкин? Бу фактлар, аввало, шундан гувоҳлик берадики, тергов органлари жиноятларнинг содир этилишига олиб келган ҳақиқий сабаб ва шарт-шароитларни, ҳуқуқбузарнинг шахси ва уни жиноятга ундаган омилларни ҳар доим ҳам пухта ўрганмайди.

Терговни зўравонлик билан олиб бориш, яъни олдин ҳибсга олиб, жамиятдан ажратиб, кейин унинг айбини исботлашга киришишдек ўтган замондан қолган ярамас тажрибага ҳали-ҳануз барҳам берилмаган.

Ҳуқуқ-тартибот идораларининг айрим нопок ходимлари учун фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш биринчи навбатдаги вазифа бўлмай, балки қўрқитиш, ўз ваколати ва ҳукмдорлигини кўрсатиб қўйишга интилиш, ўзини гўё жиноятчиликка қарши курашаётгандек қилиб кўрсатиш каби нохуш одат ҳамон яшаб келмоқда.

Шундайлар ҳам борки, улар қонунчилигимиздаги айрим номукамалликлар, одамларнинг хато ва бахтсизликлари ҳисобига ўзларининг ғаразли, таъмагирлик мақсадларига эришишга уринади. Бундай ходимлар халқ ҳақида, давлатнинг обрўси ва фаровонлиги ҳақида мутлақо ўйламайди.

Энг хавфлиси шундаки, одамлар тақдирига бепарволик, номақбул иш усуллари оқибатида биз оддий, умуман олганда, қонунга итоат этувчи, лекин қонундан бир оз чекинган фуқароларни нотўғри жазолаб, улардан ҳокимиятга ҳам, қонунга ҳам ишонмайдиган норози одамлар тоифасини ўз қўлимиз билан яратамиз.

Сир эмас, бунинг оқибатида фуқароларнинг айнан ана шундай катламидан, айниқса, ёшлардан ашаддий жиноятчиларнинг пайдо бўлишига ўзимиз сабабчи бўламиз.

Сўзсиз, ўз номига доғ тушираётган бундай ходимлардан катъий воз кечиш керак. Шу билан бирга, айрим қонун нормаларини, биринчи навбатда, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг олдини олишга қаратилган қонун нормаларини қўллаш ҳолатларини танқидий баҳолашимиз лозим.

Ривожланган демократик мамлакатларда қўлланиб келинаётган тамойиллар ва талабларга жавоб берадиган мезонлар асосида ҳуқуқбузарлик ва жазо тизимини қайта кўриб чиқишимиз зарур, деб ҳисоблайман.

Оғир жазо, айниқса, фуқароларни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазоларнинг жиноятчиликнинг олдини олишдаги аҳамиятини ошириб кўрсатиш ўринсиз эканлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда⁵.

Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоқли англашига боғлиқ.

Жазонинг муқаррарлиги жиноятчиликнинг олдини олишда самарали таъсир кўрсатувчи омиллардан ҳисобланади.

Шу билан бирга, миллий анъаналаримиз руҳида тарбияланган кўпгина фуқароларимизга содир этган жинояти учун сўроқ ёки тергов ишлари бошланишининг ўзиёқ тегишли хулоса чиқариб олиш ва қонунни бошқа бузмаслик учун кўп ҳолларда кифоя бўлади, деб ўйлайман.

Бугун жиноят учун жазо тайинлаш борасида юқорида келтирилган ёндашувларни тубдан қайта кўриб чиқиш вақти етди. Жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигини ўзгартириш бўйича ушбу сессияга тақдим қилинган таклифларни бу соҳадаги дастлабки қадамлар, деб қабул қилиш керак.

⁵ Каримов И.А. Хавфсиз ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-том. Т. “Ўзбекистон”. 2002. -Б. 36

Табиий бир савол туғилади: уларнинг моҳияти ва аҳамияти нимадан иборат? Уларни қабул қилиш билан нима ўзгаради?

Биринчидан, сизлар яхши биласизлар, амалдаги жиноят қонунчилигимизда барча жиноятлар, ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига қараб, тўрт гуруҳга бўлинади. Эслатиб ўтаман: булар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жиноятлардир.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар Жиноят кодексидаги жами 460 жиноят таркибидан 86 тасини ёки бошқача айтганда, 18,7 фоизини ташкил этади.

Бугун жиноят қонунчилигини эркинлаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига янада мувофиқлаштириш мақсадида яна 110 турдаги унча оғир бўлмаган жиноятларни ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказиш таклиф этилмоқда. Шундай қилиб, Жиноят кодексидаги жиноятлар таркибининг 42,8 фоизи ижтимоий хавф туғдирмайдиган жиноятлар ҳисобланади.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасининг кўпайиши тергов ва суд органларининг қамокқа олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳуқуқий чеклашлардан фойдаланиш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради.

Жиноятнинг бундай тоифасини содир этгани учун судланиб, озодликдан маҳрум қилинганлар жазони колония жойларида қўриқчисиз ўтайди, эркин юриш ҳуқуқига, қариндош-уруғлари ва яқинлари билан чекланмаган миқдорда учрашиш ва бошқа бир қатор имтиёзларга эга бўлади.

ҚОНУН ВА АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИНИНГ ҲАЁТБАХШ МАНБАИ

Конституциямиз, яъни ҳаётимизнинг Асосий Қонуни ҳақида, унинг ўрни ва аҳамияти, маъно-моҳияти ҳақида кўп гапириш мумкин. Хусусан:

- унинг давлатимиз, жамиятимиз ва ҳар қандай инсон саъй-ҳаракатларини, уларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб ва чегаралаб берувчи Қомус сифатидаги жиҳатлари ҳақида;

- Конституциямиз ва унинг асосида қабул қилинган қонун ва фармонларнинг ҳукмронлигини, Конституциямиз олдида барчамизнинг тенглигимиз ва масъулиятимизни таъминлаш масалалари, бир сўз билан айтганда, Конституциямизнинг ўзига хос ва ўзига мос бошқа хусусиятлари ва аҳамиятлари ҳақида алоҳида таъриф ва тарғибот қилиш зарур, албатта. Лекин, Конституция кунини нишонлашда ва умуман Конституциямиз ҳақида гапирганда, унинг ўзида мужассамлаштирган хосиятлари ва хусусиятлари тўғрисида эмас, балки Конституция талабларининг амалдаги ҳаётимизда бажарилиши ҳақида кўпроқ гапирсак ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Келажаги буюк давлат куриш, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш, ҳаётимизни тараққий топган давлат ва халқларнинг ҳаёти даражасига кўтариш каби эзгу ниятларимиз аниқ ва равшан бўлса, кўпчилик халқимиз ва жамоатчилигимиз шу мақсадларга эришиш учун астойдил бел боқлаган бўлса, табиий бир савол туғилади:

Нима учун, нега шу мақсад - келажагимизга етиб бориш йўлини кўрсатиб берадиган, кўпгина махсус ва атрофлича синовлардан ўтган Конституциямиз ва унинг асосида қабул қилинаётган қонунларимизни ҳаётга татбиқ этиш ўта қийинчилик билан бормоқда? Бунга нима сабаб?

Ўйлайманки, бундай изтиробли саволлар мамлакатимизда яшаётган ҳар қайси виждонли одамни қийнаб тургандир⁶.

Бундай ҳолатнинг сабаблари ҳақида гапирганда, керак бўлса, ҳисобот берганда, мен қуйидаги масалаларга эътиборингизни жалб қилишни истардим.

Аввало шуни таъкидлаш керакки, бундай вазият, фикримча, бизнинг яқин ўтмишимиз билан, шу даврда шаклланган табиатимиз билан боғлиқ.

⁶ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-том. Т.:Ўзбекистон, 1999. –Б. 248

Кечаги ҳаётимизда қонунга муносабат қандай эди? Қонунни ўрганиш, қонун устунлиги, қонунга ҳамманинг бирдек итоат қилиши ва ҳуқуқий тарбия ҳақида умуман гап бормиди ўзи?

Оддий фуқаролар Конституция ва қонунларга итоат қилса-ю, коммунистлар ўз уставига амал қилса, бундай тузумда қонун устуворлиги ва адолат ҳукмронлиги бўлиши мумкинмиди?

Сир эмаски, аксарият кўпчилигимиз мана шу ижтимоий вазиятда, яъни қонун ва қонун талабларини камситиш муҳотида тарбия топганмиз, суягимиз ана шу шароитда қотган. Шунинг учун ҳам аксарият кишиларимизнинг қонуннинг ягона устувор куч эканини тан олиши ҳам, қонун олдида барчанинг тенг ва баробар эканига кўникиши ҳам ниҳоятда қийин кечмоқда. Биз эски тузум асорати деганда айни шу ҳолатни назарда тутамиз.

Бу муаммонинг яна бир қирраси борки, у ҳақда гапирмасдан бўлмайди.

Минг афсуски, Конституциямизда ўз ечими ва қарорини топган энг муҳим талаб - инсон ҳуқуқининг давлат ҳуқуқидан устуворлиги тамойили амалдаги қонунчилигимизда, давлат ва ҳуқуқий-маъмурий идоралар фаолиятида ўз тасдиқи ва ижросини тўлиқ тополмаяпти.

Лўнда қилиб айтганда, амалиётда биз кўпроқ эски кайфиятда, яъни кўпроқ давлат манфаатини кўзлаб, давлат манфаатини кўриқлаб иш тутмоқдамиз. Инсон манфаатлари ҳуқуқий тажрибамизда энг юксак ва энг устун қадрият бўлишини барчамизнинг онгимизга сингдириш жуда-жуда оғир кечмоқда.

Ахир, давлат деган тушунча нима учун керак? Авваламбор, инсон манфаатлари ва ҳуқуқлари, унинг тинч-тотув ҳаёти ва келажагини ташкил этиш ва ҳимоялаш каби улуғвор мақсадларга хизмат қилиш учун эмасми?

Агарким, ижтимоий ва сиёсий, керак бўлса, иқтисодий ҳаётимиз олдимизга кўндаланг қўяётган мана шу масалани замон талабларига, демократик тамойилларга қараб тўғри ҳал қилмасак, кундалик фаолиятимизга татбиқ этмасак - барча баландпарвоз гапларнинг ва шиорларнинг маъноси ўзи йўқолади.

Таассуфлар бўлсинким, баъзан қонун чиқарувчиларнинг ўзи, уни ҳимоя қилувчиларнинг ўзи қонунларни назар-писанд қилмасдан, уларни оёғ ости қилса, бу, албатта, халқнинг, оддий фуқароларнинг ҳақли эътирозлари ва қаҳр-ғазабларига сабаб бўлади. Яқинда бўлиб ўтган Самарқанд ва Навоий вилоятлари халқ депутатлари кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида муҳокама қилинган масалаларни яна бир бор эсласак, кўп нарса аён бўлади.

Ҳаётимизда қонун талаблари бузилиши ҳолатини вужудга келтирувчи бош сабаб - шуни яна бир бор айтишга тўғри келади - ижтимоий ташкилотлар, нодавлат ташкилотлар - маҳалла, аёллар, ёшлар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг ҳаётимиздаги таъсири ва ўрни етарли даражада шаклланмагани билан изоҳлаш мумкин.

Кўп йиллик ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатадики, қонун устидан қонунчи, маъмурий идоралар устидан назоратчи, назоратчи устидан яна назоратчи ўтқазиб қўйиш ҳеч қачон самарали натижа бермайди⁷.

Кўпол бўлса-да айтмоқчиман: бундай тажриба фақатгина зўравонлар, порахўрлар ва таъмагирлар сонини кўпайтиради, холос. Бу - ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати.

Мен кўп бор айтганман, ҳозир яна бир карра такрорламоқчиман: давлат идоралари, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатмасдан туриб, мавжуд салбий иллатларни йўқ қилиб бўлмайди.

Бундай назоратни ташкил қилишда, жамоатчилик ва ижтимоий ташкилотлар билан бирга, авваламбор фуқаролар ва жамоатчиликнинг эркин фикрини ифода этувчи оммавий ахборот воситалари иш олиб бориши, ҳақиқат ва адолат учун курашга қаттиқ бел боғлаши лозим.

Яна бир муҳим ва ҳал қилувчи муаммо ҳақида кўп гапирамиз, лекин бу масалада амалий силжишлар жуда сусткашлик билан бормоқда.

⁷ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-том. Т. "Ўзбекистон". 1999.-Б. 249

Одамларимизда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятнинг етарли даражада эмаслиги жамиятда адолат мезонларининг бузилишига олиб келмоқда. Очигини айтганда, ҳар биримиз ҳам Конституция ва қонунларимиз берган ҳақ-ҳуқуқларимизни яхши билмаймиз ва уни ҳимоя қила олмаймиз.

Мана шундай ҳолатда, аввало, тараққий топган давлатлар тажрибасига назар ташласак - уларда одамлар адвокат ва адвокатура идорасига кўпроқ мурожаат қилади.

Яқинда, Олий Мажлиснинг бўлғуси сессиясида, Президент девони ташаббуси билан киритилган адвокатларнинг жамиятимиздаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш ҳақидаги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилади. Ўйлайманки, бу ҳам одамларнинг ҳуқуқий савиясини оширишда муҳим қадам бўлиши даркор. Токи, одамлар фақатгина судга иши тушганда эмас, балки кундалик ҳаётида ҳам адвокатлар хизматидан, уларнинг маслаҳат ва тавсияларидан фойдалана оладиган бўлсинлар.

Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз биз учун назарий-ҳуқуқий ҳужжат - бурч ва мажбуриятларимиз мажмуасигина эмас. Балки у ҳаётимизни фаровон этиш, уни чинакам қонуний асосда қуриш, ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни таъминлаш, жамиятда қонун ва адолат устуворлигини ўрнатишнинг ҳаётбахш манбаидир.

Бу олижаноб мақсадларга эришиш учун барчамиз, аввало, Конституциямиз ва қонунларимизнинг туб моҳиятини англаб етишимиз ва уларни ҳаётга татбиқ этиш йўлида биргаликда қатъият билан курашмоғимиз лозим.

Яна ва яна такроран айтмоқчиман: адолат ва қонун устуворлиги учун, унинг талабларини ҳаётимизга жорий этиш учун биргалашиб курашмоғимиз, фидойи бўлмоғимиз керак. Қонун, яна бир бор қонун - каттаю кичик, жинсидан, миллати, эътиқоди ва мансабидан қатъи назар, - барчамиз учун устувор бўлмоғи даркор!

Биз оила ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-

одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз зарур.

Оила масаласига жамиятимизда бу қадар катта аҳамият берилаётганининг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Биз оилани хўжакўрсинга кўтар-кўтар қилиш, уни қандайдир этнографик ёдгорлик сифатида кўз-кўз қилиш ниятидан мутлақо йироқмиз.

Биз ўз маънавий ҳаётимиз ва келажакимизни қураётганда бекиёс миллий кадриятимиз бўлмиш оилани асосий таянч деб биламиз. Чунки ўзлигимизга қайтиш, миллий урф-одатларимизни эъзозлаш, катталарга ҳурмат ва кичикларга ғамхўрлик, одамийлик, ҳалоллик, олижаноблик, меҳр-оқибат сингари асл инсоний фазилатлар айнан оила муҳитида шаклланади.

Ишонаманки, бундан буён ҳам ота-боболаримиздан қолган, миллатимизнинг қон-қонига сингиб кетган, бугунги кун талабларига ҳам жавоб берадиган эзгу анъаналарга содиқ бўлсак, Аллоҳ таолонинг ўзи бизга инъом этган миллий ўзлигимизни қайтадан тикласак, бу билан доимо ғурурланиб, айни вақтда шу эътиқодимизга масъул бўлиб яшасак, иншооллоҳ, ҳеч қачон кам бўлмаймиз.

Бунинг учун эса ҳар бир инсон қалбида нафс балосидан, шайтон васвасасидан йироқ бўлиш, иймон ва инсоф, виждон ва адолатпарварлик туйғуларини уйғотиш зарур. Агар одамлар онгида шу инсоний туйғулар қарор топмас экан, ана шундай олижаноб фазилатлар жамиятимизда ҳукмрон бўлмас экан, давлат томонидан ўтказиладиган ҳар қандай чора-тадбирлар ҳам, суд-прокуратура идораларининг фаолияти ҳам кутилган самарани бермайди.⁸

Фуқароларимиз тафаккурида ана шу олий туйғуларни тарбиялаш, яъни бошқача айтганда, инсонга инсонлигини англатиш - бизнинг мафкура ва маънавият соҳасидаги ишларимизнинг асосий мазмунига айланиши керак.

⁸ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-том. Т.:Ўзбекистон, 1999. –Б. 252

Мана шуларнинг барчасини эътиборга олиб, жамиятимизда оилани мустаҳкамлаш, ҳаётимизда оиланинг ўрни, маъно-моҳияти, таъсирини кучайтириш учун давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ёрдамни келгусида ҳам аямаймиз.

Янги йилда бизга энг катта хавф ва зиён етказиши мумкин бўлган муаммо - атроф-қўшни давлатларга етиб келаётган Россиядаги молиявий бўҳрон таъсири ва улар ўзлари сабабчи бўлган иқтисодий инқироздир. Қўшни давлатларда нарх-наво ўсиб бораётгани ҳақида кўпчилик хабардор деб ўйлайман. Бундай хавфнинг олдини олиш, юртимизни бундай офатлардан сақлаш - бугунги ва эртанги кунимизнинг энг муҳим ва энг долзарб вазифаси десак ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бу масалаларни ечиш учун керакли чораларни бугун кўришимиз, барчамиз сезгир бўлишимиз даркор. Олға силжишимизга ҳалақит бераётган салбий иллатлар, эски замон асоратларидан жудо бўлиш, бир сўз билан айтганда, ҳаётимизни оқилона ташкил этиш учун Янги йилда ҳам ҳар биримиздан зўр куч-ғайрат, азму шижоат билан меҳнат қилиш талаб этилади.

Шу билан бирга биз келгуси йилда маънавий ҳаётимизни янгиловчи, халқимизни бирлаштирувчи, керак бўлса, уни илҳомлантириб-руҳлантирувчи асосий мақсад, асосий ғоямизни ҳам аниқ белгилаб олишимиз зарур.

Аёлларнинг жамиятимиздаги, ҳар биримизнинг ҳаётимиздаги ўрни ҳақида жуда кўп ва узоқ гапириш мумкин. Мен инсонни инсон қиладиган ҳам, майиб-мажруҳ, бахтиқаро қиладиган ҳам оиладир, деган фикрни айтиб ўтган эдим. Шу мулоҳазани давом эттириб айтиш мумкинки, Худонинг марҳамати билан оилани оила қиладиган зот - бу Аёлдир.

Оилани ҳам, жамиятимизни ҳам бирлаштириб, унга файзу баракот киритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган зотлар ҳам аслида мўътабар оналаримиз, мунис опа-сингилларимиздир.

Чиндан ҳам, аёлларимизнинг оилада тутган ўрни беқиёс. Оқила, гўзал аёллар ўзларининг ғамхўрлиги, меҳрибонлиги, қалби дарёлиги билан

оиладаги, қолаверса, бутун жамиятдаги мувозанатни, поклик, ҳалоллик, самимият ва адолат муҳитини сақлаб турадилар.

Улуғ донишмандлар Ватанга энг муносиб таъриф излаганда, уни Она сиймосига қиёс этганларида катта маъно бор. Дунёда "муқаддас" деган сўзга энг муносиб зот ҳам - Онадир.

Онани эъзозлаш - бизнинг миллатимиз, халқимиз учун олий қадрият даражасига кўтарилган фазилят. Чунки аёлларни қанча улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, демакки, оиламизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз.

Қаҳрамон шоиримиз Абдуллажон Орипов айтганидек:

Бу ёруғ оламда Ватан биттадир,

Биттадир дунёда Она деган ном⁹.

Инсоният тарихи шундан гувоҳлик берадики, минг йиллар давомида ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади. Айниқса, аёлларга шарқона эҳтиром ва эъзоз биз учун ибратли меросдир. Бежиз эмаски, Шарқда Аёлни фариштага қиёс қилишади. Чунки фаришталар Аллоҳ таоло яратган энг пок, энг бегуноҳ зотлардир.

Халқимизнинг буюк тарихида ўзининг жасорат ва матонати, ақл-заковати, нафосат ва назокати билан ўчмас ном қолдирган Тўмарис, Бибихоним, Гулбаданбегим, Зебуннисо, Нодира, Увайсий, Анбар отин ва бошқа юзлаб аёлларимизни ҳамиша эҳтиром билан тилга оламиз.

Улуғ момоларимизга хос бўлган олижаноб фазилятлар бугун ҳам муҳтарам аёлларимиз сиймосида давом этиб келмоқда.

Аёлларга бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиромимизнинг яна бир сабаби шундаки, аёл - аввало ҳар бир инсоннинг бешигини тебратадиган, оқ сути билан унинг юрагига одамийлик фазилятларини сингдирадиган, уни ҳаёт бўронларидан асраб-авайлайдиган фидойи инсондир.

⁹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-том. Т. "Ўзбекистон". 1999.-Б. 255

Биз бугун ёш авлод тарбиясига ҳар қачонгидан ҳам кўра катта аҳамият бермоқдамиз. Бизнинг энг катта ишончимиз, мадад-таянчимиз - бу, ўсиб келаётган ёш авлодимиздир.

ЎЗБЕКИСТОН – ДЕМОКРАТИЯ ВА ИЖТИМОЙ АДОЛАТ ЖАМИЯТИ

Ички ва ташқи сиёсатнинг йўналишлари, уларнинг мантиқи тўлалигича пировард мақсад - чинакам мустақил Ўзбекистонни барпо этиш мақсади билан белгиланади. Республикада собитқадамлик билан халқчил адолатли жамиятни бунёд этиш - бош вазифадир. Меҳнатсевар ва бадавлат, маънавий етук ва маданиятли оила - шу жамиятнинг асосини ташкил этади.

Ўзбекистон - келажаги буюк давлат. Бу - мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу - инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир¹⁰.

Халқ давлат ҳокимиятининг манбаидир. Унинг хоҳиш-иродаси давлат сиёсатини белгилаб беради. Бу сиёсат инсон ва жамиятнинг фаровонлигини, Ўзбекистон барча фуқароларининг муносиб турмушини таъминлашга қаратилган бўлиши керак.

Янгиланган жамиятнинг сиёсий ва давлат тузилиши инсонга унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзини эркин танлаб олишини кафолатлаши керак.

Сиёсий соҳада бу қуйидагиларни билдиради:

- халқнинг турмуш тажрибасига, республика аҳолисининг миллий ва маданий анъаналарига, барча ижтимоий гуруҳлари ва қатламларининг манфаатларига мос келадиган ҳақиқий демократия принципларини қарор топтириш. Халқ ҳам бевосита, ҳам ўз вакиллари орқали давлат ҳокимиятини амалга оширишда тўлиқ имкониятга эга бўлиши лозим;

¹⁰ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т. “Ўзбекистон”. 1998. –Б. 15

- қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини ажратиш асосида миллий давлатчиликни барпо этиш. Жамиятнинг сиёсий тизимини, давлат идораларининг тузилмасини тубдан яхшилаш, республика ҳокимияти билан маҳаллий ҳокимиятнинг ваколатлари ва вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш, адолатли ва инсонпарвар қонунчиликни вужудга келтириш лозим бўлади.

Кучли ижроия ҳокимияти бўлмаса, ҳатто энг демократик йўл билан қабул қилинган қарорлар ҳам бажарилмаслиги мумкин. Бу эса қонуний қарорларнинг рўёбга чиқарилишини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини, сиёсий ва иқтисодий ислохотлар турмушга татбиқ этилишини таъминлайдиган президентлик ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни тақозо этади;

- барча фуқароларнинг қонун олдидаги ҳуқуқий тенглигини ва қонуннинг устунлигини, жамият манфаатлари ҳимоя қилиниши ва аҳолининг ҳавфсизлигини кафолатлайдиган ҳуқуқий давлатни барпо этиш. Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият устувор бўлмаса, қонунлар ва анъаналар ҳурмат қилинмаса, ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди;

- Ўзбекистонда туқилган, унинг заминида яшаётган ва меҳнат қилаётган ҳар бир киши, миллий мансублигидан ва эътиқодидан қатъи назар, Республикамизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлишга муносибдир, деган инсонпарварлик ва ватанпарварлик қоидасини рўёбга чиқариш. Авлод-аждодлари ёки ўзлари ўтмишдаги фожиали воқеалар сабабли хорижга кетиб қолишга мажбур бўлган ўзбеклар ҳам бемалол Республиканинг фуқароси бўлишлари керак. Ўзбекистон ҳудуди ўзбекларнинг миллий давлатчилиги бўлган бирдан-бир ҳудуд эканлигини эътиборга олиб, Республика ўзбеклар қаерда яшамасин, уларнинг ҳаммаси учун маданий ва маънавий марказ бўлиб қолиши лозим;

- озчиликдан иборат миллатларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг маданияти, тили, миллий урф-одатлари ва анъаналари

сақланиши ҳамда ривожланишини кафолатли таъминлаш, давлат тузилмаларининг фаолиятида ва жамоат турмушида фаол қатнашиш;

- бир мафкуранинг, бир дунёқарашнинг яккаҳокимлигидан қатъиян воз кечиш, сиёсий ташкилотлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигини тан олиш. Биронта ҳам мафкура мутлақ ҳақиқатни билишга даъво қилиши мумкин эмас. Маънавийлик ва инсонпарварлик, республика ҳудудида яшаётган барча халқларнинг анъаналари ва урф-одатларини, дини, тили ва маданиятини ҳурмат қилиш қоидаларига устуворлик берилиши;

- чинакам демократиянинг зарур ва қонуний таркиби сифатида кўппартиявийликни амалда шакллантириш. Айни вақтда ҳокимиятни зўравонлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўйган, республиканинг давлат мустақиллигига, ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши чиқадиган, миллий ва диний адоватни авж олдирадиган, конституциявий тузумга, халқнинг демократик эркинликлари ва маънавий негизларига тажовуз қиладиган партиялар ва жамоат ҳаракатлари қонундан ташқари бўлиши керак¹¹.

Иқтисодий соҳада:

- миллий бойликнинг кўпайишини, республиканинг мустақиллигини, одамларнинг муносиб турмуш ва иш шароитларини таъминлайдиган қудратли, барқарор ва жўшқин ривожланиб боровчи иқтисодиётни барпо этиш;

- ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш, ташаббускорлик ва ишбилармонликни бутун чоралар билан ривожлантириш, тадбиркорликка эркинлик бериш, тажрибалар ва иқтисодий янгиликларни рағбатлантириш, иқтисодий омиллар воситасини ишга солиш, тайёрга айёрликни батамом тугатиш;

- мулк эгалари ҳуқуқларининг давлат йўли билан ҳимоя қилинишини таъминлаш ва барча мулкчилик шакли - ширкат, давлат, хусусий ҳамда

¹¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.:Ўзбекистон, 1998.-Б. 19

бошқа мулкчилик шакллариининг ҳуқуқий тенглигини қарор топтириш. Шу асосда инсоннинг мулкдан бегоналаштирилганига барҳам бериш;

- иқтисодий ёта марказлаштирмаслик ҳамда яккахокимликка барҳам бериш, корхоналар ва ташкилотларнинг мустақиллигини кенгайтириш. Давлатнинг ҳўжалик фаолиятига бевосита аралашувидан воз кечиш. Буйруқбозлик билан ўз ҳукмини ўтказиб, тазйиқ қилиш, ҳамма нарсани тўраларча белгилаб, чеклаб қўйиш каби ўзини оқламаган эски усулларни катъиян тугатиш. Иқтисодий воситалар устун мавқени эгаллайди;

- меҳнат қилиш, дам олиш, ҳар йилги ҳақи тўланадиган таътилга чиқиш, ишсиз бўлиб қолган тақдирда ижтимоий муҳофазага бўлган конституциявий ҳуқуқни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш. Инсоннинг ҳаёт таъминоти учун зарур бўлган иш ҳақи, пенсиялар ва нафақаларнинг кафолатланган энг кам миқдорини жорий этиш;

- табиий ресурслардан аёвсиз фойдаланишга, атроф-муҳитга зиён етказилишига ва республикадаги экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик. Бошқа давлатларнинг иштирокида Оролни қутқариш, Орол бўйидаги экологик шароитни соғломлаштириш борасида самарали чоратadbирларни амалга ошириш, мазкур минтақанинг иқтисоди ва ижтимоий соҳасидаги фалокатли оқибатларни бартараф этиш¹².

Ижтимоий ва маънавий соҳада:

- инсонпарварлик ғояларига содиқлик. Бу ғояларнинг олий мақсади инсон, унинг ҳаёти ва шахсий дахлсизлиги, эркинлиги, шон-шарафи ва қадр-қиммати, яшаш жойини танлаш ҳуқуқи. Ўзбекистоннинг кундалик ҳаётида инсон ҳуқуқларининг Умумий декларациясида мустаҳкамланган меъёрларни изчиллик билан, оқшмай қарор топтириш;

- маънавият ва ахлоқийликни қайта тиклаш. Халқларнинг маданий меросига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш. Ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш, ўзбек халқи яратган ва миллий бойлик бўлган санъат асарларини излаб топиш ва Ўзбекистонга қайтариш;

¹² Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Т.:Ўзбекистон, 1996.-Б. 46

- қадимги ва замонавий маданий бойликларни, адабиёт ва санъатни билиш ҳамда кўпайтириш. Халқнинг миллий маданияти ва ўзига хослигини ифода этувчи восита бўлмиш ўзбек тилини ривожлантириш, бу тилнинг давлат мақомини изчил ва тўлиқ рўёбга чиқариш, Республика ҳудудида яшовчи халқларнинг миллий маданиятлари ва тилларига ўзаро ҳурмат билан муносабатда бўлиш;

- хурфидорлик, виждон ва дин эркинлиги қоидаларини қарор топтириш. Бир дунёқарашнинг яққаҳоқимлиги янгиланган жамиятга ётдир. Ҳар бир инсон ўз эътиқоди ва динга амал қилиш, ўзининг диний маросимларини бажо келтириш ҳуқуқига эга. Бугунги кунда дин барча иллатлардан, ёлғон ва риёкорликдан покланишга, юксак ахлоқий негизлар ва маънавий фазилатларни қайта тиклашга кўмаклашмоқда. Ислом - ота-боболаримизнинг дини - мусулмонларнинг онги, туриш-турмушининг моҳияти, ҳаётининг ўзидир. Давлат ҳар бир мусулмон учун муқаддас бўлган Маккага ҳаж қилишда зарур ёрдам беради;

- ижтимоий адолат қоидаларини рўёбга чиқариш, аҳолининг энг ночор қатламлари - кексалар, ногиронлар, етим-есирлар, кўп болали оилалар, ўқувчи-ёшларнинг давлат томонидан ижтимоий муҳофазага бўлган қафолатли ҳуқуқларини таъминлаш. Энг тараққий этган мамлакатларда инсонни ижтимоий муҳофаза қилиш тизими кенг қўлланилади, бунга ниҳоятда муҳим аҳамият берилади, бизнинг шароитимизда эса бу - фуқаролар тотувлигини сақлаб қолиш қафолатидир;

- ҳамма учун маъқул сифатли тиббий хизматни таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, чақалоқлар ўлимини камайтириш, одамлар умрини узайтириш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш. Аҳолига юқори малакали тиббий ёрдам олиш шакллари эркин танлаш имкониятларини яратиш;

- умумий таълим олиш, касбни ва тегишли махсус тайёргарликни ўтишни эркин танлашда барчага баравар ҳуқуқ бериш. Янги демократик таълим концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим бўлади. Бунда

Ўзбек халқининг ва республика ҳудудида яшовчи бошқа халқларнинг миллий, тарихий ва маданий анъаналари, маънавий тажрибаси таълим ва тарбия тизимимизга узвий равишда киритилиши зарур;

- ижоднинг барча турларини ривожлантириш, одамларнинг истеъдод ва қобилиятларини намоён этиш учун шарт-шароитларни яратиш, маънавий мулкни ҳимоя қилиш. Кишилар шуни аниқ ва равшан англаб етишлари керакки, маънавий потенциални илдам ривожлантирмай туриб, республиканинг чинакам мустақиллигини ва равақ топишини таъминлаб бўлмайди¹³.

Фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни таъминлаш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни қарор топтириш мана шундай сиёсий, давлат ва конституциявий тузумга эришиш калитидир.

Оила - жамиятнинг негизи. Бизнинг давлатимизни ҳам катта бир оила деб тушуниш мумкин ва лозим. Бунда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ тартиб бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига нисбатан эзгулик билан меҳр-оқибат кўрсатмаса яхши ва муносиб тарзда яшаш мумкин эмас. Оила турмуш ва виждон қонунлари асосига қурилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оилада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади. Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг, қариндош-уруғлари ва яқин одамларининг, кўшнларининг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир.

Мустақил ўзбек давлати - халқимизнинг тарихий ютуғидир. Ўз давлати билан фахрланиш ва фуқароларнинг ватанпарварлиги жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг илғор марраларга чиқиб олишида ёрдам берган. Мамлакатимиз тупроғида яшаб турган ва ўзини ватанпарвар деб ҳисоблаган ҳар бир киши унинг яхлитлиги ва бирлигини асраб-авайлаши шарт.

¹³ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Т.:Ўзбекистон, 1996.-Б. 48

ХУЛОСА

"Адолат" сўзи минг йиллар давомида инсонга ҳамроҳ бўлиб келган. Асрлар давомида кишилар адолат учун курашган, мислсиз қурбонлар берган.

Адолат ҳақида жуда чиройли гапириш мумкин. Адолат ҳақида жуда узок гапириш мумкин. Аммо гап чиройли ва узок гапиришда эмас, балки ҳаётда адолатни ўрната олишда.

Айниқса, раҳбар адолати, элу юртга етакчилик қилишдек оғир масъулиятни бўйнига олган одамнинг адолати бугунги кунда бекиёс аҳамиятга эга. Авваллари ҳам кўп бор айтган бир фикримни яна такрорламоқчиман: халқ очликка, йўқчиликка, ҳамма нарсга чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди.

Одил ҳукмдор, адолатли раҳбар ғояси Форобийдан тортиб Алишер Навоийгача ва яна бошқа кўп-кўп мутафаккирларимизнинг улуғ маънавий идеали бўлиб келган. Шарқда қадимдан жуда машҳур бўлган "Сиёсатнома" деган асарда подшоҳ, ҳоким, амир ва беклар, қозию қузнотнинг, замонавий тил билан айтганда, раҳбарнинг бош вазифаси "қўю қўзиларни бўрилардан муҳофаза қилиб, ҳаром қўлларни кесиб, ер юзини ёмонлик қилувчилардан тозалаш, жаҳонни адолат ва осойишталик билан обод қилишдан иборат", деб кўрсатилган.

Ҳар сафар шу каби ҳикматли фикрларни ўқиганимда чуқур ўйга толаман. Қани эди, шу сўзлар ҳар бир раҳбарнинг, амал курсисида ўтирган катта-кичик мансабдорларнинг иймон-этиқодига айланса, деб орзу қиламан.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т. “Ўзбекистон”. 1998.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Т. “Ўзбекистон”. 1996.
3. Каримов И.А. Хавфсиз ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-том. Т. “Ўзбекистон”. 2002.
4. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7-том. Т. “Ўзбекистон”. 1999.
5. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т. “Ўзбекистон”. 1992.